

Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган истеъдодли вакилларида бири Худойберди Тўхтабоев Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманида 1933 йили тугилди. У ўрта мактабни битиргач, Ўрта Осиё дорилфунунининг филология факултетиди (1950—1955) таълим олди. У кўп вақт «Тошкент хакикати», «Кизил Ўзбекистон» рўзномаларида, «Гулистон» ойномасида бўлим мухаррири ва бошлиги бўлиб хизмат килди. 1972—1977 йилларда «Ёш гвардия» нашриётида бош мухаррир, «Шарк юлдузи» ойномасида мухаррир ўринбосари, хозир эса «Ёш куч» ойномасининг бош мухарриридир.

Худойберди Тўхтабоевнинг ижоди асосан 1958 йилдан бошланди. Унинг «Шошкалок» номли хикоялар тўплами 1962 йилда, «Ёш гвардия» (1963) номли хикоялар тўплами, «Сир очилди» (1964) ва «Сехрли калпокча» (1965) номли киссалари бирин-кетин нашр килиниб, кенг китобхонлар оммасининг меҳр-мухаббатини қозонди.

У ўзининг юмористик роман, киссаларида ёшларнинг тўгрилик, инсонларга бўлган меҳру мухаббат, садокат каби олижаноб хислатларти ва фирибгарликка қарши олиб борган курашларини кизикарли ва таъсиртан саҳифаларда акс эттиради. Бу жихатдан Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб» (1969) ва «Сарик девнинг ўлими» (1973), романлари 70-йиллар ўзбек болалар адабиётининг тараккиётига кўшилган салмокли хиссадир. Шунингдек, Х. Тўхтабоев «Беш болали йигитча» (1975), «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» (1983), «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлақатида» (1987) асарларининг ҳам муаллифидир. Адиб мазкур асари учун Хамза муқофотини олган. Ўзбекистон халқ ёзувчисидир (1991).

Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётининг чинакам жонқуяри сифатида «Қамалак» нашриётида мухаррир, бош мухаррир вазифаларида ишлаган. Бу ижодкор номи ўзбек журналистикасида А. Қодирий, Қ. Алиев, В. Маҳкамов, У.Юсупов сингари фелетончилик борасида ҳам маълум ва машхур. Унинг ўткир фелетонлари 60—70-йиллар публитсистикасининг ажойиб намуналари сифатида жамиятимизнинг салбий иллатларидан қисман тозаланишида ўз амалий хиссасини кўшган.